

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Кенгесбай Каримов
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Ғулом Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

3
2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Шеърият

Усмон АЗИМ

Сўздан тақдир қурдим

Шеърлар



Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай.
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

Наср

Ойдин НИСО

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Қисса



Бу ғамхўрлигим учун тунда “раҳмат” эшитаман. Содда дарахтчам билмайдики, унинг борлиги – менинг бахтим! У менга яхшилик қилиш имконини берди. Ахир, дунёда кимгадир кераклигинг, яхшилик қилишинг мумкинлигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми?!

Шеърият

Гўзал БЕГИМ

Ипак гулкосада ёвқур табассум

Шеърлар



ҳислар уюм
кўнглим уюм-уюм
қайрилиб қайрайди юраккуш йўлак
умримнинг энг иссиқ соҳилларида

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан

Элке ҲАЙДЕНРАЙХ

ЭРИКА

Ҳикоя

...негадир уни “Эрика” деб атагим келди, миямга келган дастлабки фикр шу бўлди: Эрика. Қўғирчоқ чўчқача каттагина, оч пушти юнгли, тўқ пушти оёқлари, бир оз очилган оғзи, юмшоқ қулоқлари... ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ишонч тўла кўзларида сахийлик, қизиқувчанлик, айни чоғда бир оз қувлик балқиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди

КИЧИК ЖАНРНИНГ УЛКАН БАДИИЙ ОЛАМИ

Ҳикоя жанри ҳажман “ихчам”, “тезпишар” бўлгани боис, эпик турдаги роман, қиссага нисбатан кўпроқ ёзилади. Биргина, ўтган йилнинг ўзида, ўзбек даврий матбуотида тўқсон иккита ҳикоянинг эълон қилиниши бунга мисолдир. Мазкур ҳикоялар билан танишиш натижасида, уларни шартли равишда уч турга ажратдик:

1. Профессионал ҳикоялар;
2. Ўртамиёна ҳикоялар;
3. Илк ҳикоялар.

Шунингдек, қайд этилган йил ҳикоячилигини кузатиш асносида, ҳикоянависларимиз, асосан, икки услуб, яъни, анъанавий реалистик ва рамзий-мажозий йўналишларда ижод этганлигини ҳам айтмоқ лозим:

1. ***Анъанавий реалистик йўналишда ёзилган ҳикоя намуналари:*** “Қора кийик таъқиби”, “Ришта” (Б.Абдураззоқ), “Қор майдалаб ёғарди” (С.Ашур), “Топталган чечак” (И.Муҳаммад), “Зулмат ва аланга” (Э.Норсафар), “Ўлим шарпаси”, (Т.Қурбон) “Темирчилар исёни” (Ғ.Каримий), “Йўловчилар” (М.Ражаб), “Қизғалдоқ” (Н.Чори), “Кўкёл” (М.Тиловова), “Халажи” (Ш.Салом), “Бир осмон остида” (Талант Бек), “Йўл” (М.Зиё), “Куйган шаҳар” (З.Қуролбой қизи), “Дутор билан танбур” (А.Аъзам), “Вокзал” (Н.Жалолиддин);

2. ***Рамзий-мажозий йўналишда ёзилган ҳикоя намуналари:*** “Нуҳ кемаси” (Отаули), “Бир пиёла сув”, “Кўзини очиб юмган одам” (У.Ҳамдам), “Сувдаги коса” (И.Султон), “Карвонқуш” (С.Тўраев).

Б.Абдураззоқ “Қора кийик таъқиби” ҳикоясида қарғиш олган одам, қора қисматнинг авлодлараро давомийлиги ишонарли, драматизмли воқеалар, деталлар (кийикнинг туёқ товушлари – ғойибдан келадиган товуш) билан далилланган.

С. Ашурнинг “Қор майдалаб ёғарди” ҳикоясининг ифода йўсини жамиятимизда кундан-кунга урчиб, авж олаётган таъмагирлик, порахўрлик, текинхўрлик каби ижтимоий иллатларга қаратилган. Ҳикояда бот-бот такрорланадиган: “Инсон организмидаги кераксиз, заҳарли кўричак, аслида” асарда тасвирланган таъмагир кимсаларга рамзий ишора беради. Ўз хизматини суиистеъмол қилувчи шахслар жамиятимизда энг зарарли, энг заҳарли, кераксиз бир организм эканлигига ҳикояда нозик ишоралар бор.

Ғ.Каримийнинг “Темирчилар исёни” тарихий мавзуда ёзилган ҳикоя намунаси. Ёзувчи қадим тарихга мурожаат этади, туркий қабила ва уруғлар ҳақида ҳикоя қилади. Давр руҳини бериш мақсадида ҳикоянавис кўплаб тарихий, архаик сўзлардан фойдаланади ва кўзлаган мақсадига эришади. Умуман, ҳикояда эрксевар, келбатли, довюрак, қўрқмас туркийларнинг ҳаёти ва эътиқоди яхши очилган.

М.Ражаб “Йўловчилар” ҳикоясида бир неча соатлик манзил “Урганч-Янгибозор” йўналиши бўйича автобусдаги йўловчиларнинг гап-сўзларини, гурунгларини бериш орқали, замона қийинчиликлари, ўтмиш ва бугуннинг муҳокамасини, баъзи замондошларимизга хос бўлган маданиятсизлик, қолоқлик, боқимандалик кайфияти, фарзанд тарбиясидаги камчиликларни, хуллас, ижтимоий камчиликлар, маънавий-ахлоқий муаммоларни яхши тасвирлай олган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтган йилги ҳикоянавислар орасида ёш ижодкор Н.Чорининг “Қизғалдоқ” ҳикоясини қайд этмоқчимиз. Қишлоқ ҳаёти, одамлари, расм-русумлари, кундалик турмуши, ўзбекнинг ижтимоий-маиший панорамаси маҳорат билан чизилган. Ҳикоя сюжети қизиқарли, композицион қурилиши пишиқ, образлар тасвири аниқ ва равшан. Қизғалдоқ ташқи кўрки-таровати, ранги-туси билан кишилар кўзини қувонтиради, юракларга таърифлаб бўлмас қувонч, завқ солади. Аммо, қизғалдоқнинг умри қисқа. Худди қизғалдоқ гул сингари Тўлғаной қизнинг бахтли, осуда ҳаёти ҳам калта бўлади. Ҳикоя матнида халқ эртак ва достонларининг жозибадор услуби сезилади, ёқимли ритмик мусиқий оҳанг бор.

М.Тиловованинг “Кўкёл” ҳикояси чўпонлар ҳаётидан олиб ёзилган. Ҳикоянавис кескин драматизмли воқеаларни кетма-кетликда беришда, бўрининг руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатларини очишда профессионал нигоҳ, қалам билан тасвирлаган.

Ҳ. Мусурмонова “Дийдор қўшиғи”да икки дўст Эшпўлат ва Бахтиёр, Оққашқа от дўстлик учбурчагини чизади. Оққашқанинг руҳий ҳолати, эгасига садоқати Эшпўлат образига зидма-зидликда тасвирланар экан, ичиқора дўстнинг разил қиёфаси очиб берилади. Ҳикояда отнинг ички монологи асарнинг бадиий кучини янада оширган.

Ш.Саломнинг “Халажи”сида собиқ шўро даврида Ўзбекистоннинг пахта плантациясига айлантирилиши, ўз мулкига, ерига эгалик қилаолмаётган миллатнинг аянчли тақдири пахтани чигитидан айириб берадиган оддий қўлбола асбоб халажи атрофида кечган таъсирчан воқеалар билан баён этилади.

М.Зиёнинг “Йўл” ҳикояси бугунги кун ва замондошларимиз ҳақида яратилганлиги билан характерли. Замона шиддати, турмуш ташвишлари чарчатиб ташлаган қаҳрамон ҳаёти орқали жамиятдаги бюрократизм танқид остига олинади. Ҳикояда чап томонга оғиб юрадиган кишилар, ўнг ва чап йўллар, равон ва нотекис йўллар сингари ассоциатив фикрлар китобхонда тўғри ва эгри одам, жамиятдаги ҳалол ва ҳаром ишлар ҳақидаги изчил фикрларни намоён этади.

З.Қуролбой қизининг “Вақт парчалари” сарлавҳаси остида икки ҳикояси: “Икки манзил” ва “Куйган шаҳар” чоп этилган. Адиба “Икки манзил”да инсон қалбини бойлик, мансаб-мартаба, зўравонлик, куч-қудрат билан забт этиб бўлмаслигини сунъий уюштирилган саҳна тасвири билан исботлашга ҳаракат қилади. Назаримизда, бу, атай, сунъий уюштирилган саҳна ўқувчининг ғашига тегади. Ҳикоя қаҳрамонлари ёзувчи измига қаттиқ бўйсундирилган, улар эркин ҳаракатланмайди. Аммо, унинг иккинчи ҳикояси, яъни, “Куйган шаҳар” бадиий топилма, оригинал сюжети, трагизми билан қалбга чуқур ўрнашади.

А.Аъзамнинг “Дутор билан танбур”ида жамиятдаги эътиборсизлик, хўжакўрсинга ишлаш каби юзакилик иллати, мансаб-мартаба учун маълум доирадаги талашиб-тортишувлар телевидение жамоасининг кундалик иш жараёни орқали ҳикоя этилади. Асар қаҳрамонлари исмларига ҳам жиддий бадиий ғоя юкланган. Бир-бирига чоҳ қазиб юрувчи кишилар жамоаси кўрсатиб берилган.

Рамзий-мажозий ҳикоялар яратган Отаули, У.Ҳамдам, И.Султон, С.Тўраевлар воқеликка, инсон кўнгли қатларига, яралиш ва яратилишга янгича нигоҳ билан боқади. Мифлар одатда, олам ва одамнинг яратилиши ҳақида ҳикоя этади. Бугунги куннинг замонавий ҳикоянавислари олам ва одам, ибтидо ва интиҳо, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик сингари ғояларга ўзларининг муносабатларини ифода этишда немифологизмга кенг мурожаат этишмоқда. Неомифологизм ўзбек адабиётшунослигида ҳали кенг адабий истеъмолда ишлатилишга улгурмаган янги терминлардан бири. Неомифологизм бу ижодкорларнинг юқорида айтилган мавзулар ҳақида шахсан ўзлари тўқиган субъектив афсоналаридир. Энди ёзувчиларимиз оламнинг яратилиши ва одамнинг қисматини ўзлари тўқиётган янгича рамзли, мажозли, тимсолли образларга буркаб ифода этишмоқда. Бу ниҳоятда қувонарли ҳодиса. Тўғри, немифологизм элементлари ўзбек ҳикоячилигида яқин ўн йилликларда пайдо бўлгани йўқ. Бу типдаги ҳикоя намуналарида неомифологик образлар, неомифологик тушунчалар, қарашлар, фикр-мулоҳазалар жуда эркин тарзда акс этади.

Жумладан, У.Ҳамдамнинг “Бир пиёла сув”, “Кўзини очиб юмган одам” ҳикоялари чуқур рамзлар асосига қурилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

И.Султон “Сувдаги коса” ҳикоясида уммон ўртасида қайиқда қолиб кетган икки дўст ҳолатни тасвирлайди. Ҳикоя қаҳрамонини Ватан, она ер соғинчи қийнайди. Икки дўст тўғри йўлни топа олмай уммон ўртасида жуда қийналишади. Умуман, мазкур ҳикоя ҳам рамзий-мажозий талқинларга асос беради. И.Султон ҳикояси ҳам неомифологизм асосига қурилган. С. Тўраевнинг “Карвонқуш” ҳикоясида Ойпараст қиз ва Қуёш ўғли Карвонқушнинг ҳаёти орқали икки қабиланинг, кенг маънода эзгулик ва ёвузлик ўртасида аёвсиз кураш рамзий тимсоллар, образлар, ихчамгина бадиий воқелик воситасида очиб берилади.

Шунингдек, ўзларининг равон услуби билан ҳикоялар яратган Н.Қобул “Кечиккан турналар”, Ш.Отабек “Тавба”, “Тақдир сўқмоқлари”, С.Ўнар “Бегона меҳмон”, Э.Усмонов “Эртакка айланган кеча”, Г.Мамарасулова “Кўнгил”, А. Раҳмон “Лаҳза”, Н.Норматов “Кўча эшикнинг нақшин гуллари”, С.Сиёев “Тазарру”, И.Абдиев “Гулули”, Ж.Фозил “Боғ” каби муаллифларнинг асарлари бизнинг диққатимизни тортди. Аммо, кўпчилик ҳикояларимизда сийқаси чиққан олди-берди, қўйди-чиқди, севди-куйди, қайнона-келин, қон-қариндошлар ўртасида ўзаро уй-жой талашишлар каби майда мавзулар таҳлил этилади. Назаримизда, чинакам санъат асарида маиший воқелик иккинчи планда, умуминсоний ғоялар, нозик инсоний туйғулар, ҳолатлар, оний руҳият пўртаналарини тасвирлаш адабиётнинг бош вазифаси саналмоғи керак. Бундай мавзулар асарнинг умрбоқийлигини таъминлайди.

Ўтган йили чоп этилган аксарият ҳикояларни кузатиш натижасида шундай хулосага келдик:

– рамзийлик, полифоник тасвирийлик, ассоциатив фикрлашга интилиш ўзбек ҳикоячилигида алоҳида тенденция сифатида шаклланганини кўрсатади;

– бадиий шартлиликнинг неомифологизм, мифологик модель асосида янгича бадиий топилмалар қилганлиги ҳам алоҳида тенденция сифатида намоён бўлган, дейишга асос беради;

– шунингдек, батафсил тасвирийлик, телефон-телеграф услуби ҳам баъзи ҳикоя намуналарида истифода этилган;

– ўзбек ҳикоячилиги услуб нуқтаи назаридан анъанавий реалистик ва рамзий-мажозий шаклларда зоҳир бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi